**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”
**Кафедра мудири, проф. Холбеков Р.О.**

____________________
«_____»____________2014 йил

# Тижорат банкларида касса операциялари ҳисоби ва аудити мавзуси бўйича ёзилган

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”**
Илмий раҳбар: кат.ўқ. Ш.Дадабаев
________________
«_____»____________2014 йил

**Бажарди:** «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши битирувчи 4-курс талабаси
**Саттаров Худойберди Палванназар ўғли**________________
«_____»____________2014 йил

**ТОШКЕНТ – 2014**

| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ .........................................................................** | 3 |
| **I БОБ** | **Тижорат банкларда касса ва ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этишнинг назарий асослари.................................** | 7 |
| 1.1. | Тижорат банкларида касса ва ҳисоб китоб операциялари ҳисоби усуллари................................................................... | 7 |
| 1.2. | Тижорат банкларда тулов операциялари бўйича хисоб-китоблар ва уларнинг аудитини ташкил этиш тартиби......... | 17 |
| **II БОБ** | **ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида касса ва ҳисоб- китоб операциялари ҳисоби ва аудитни ташкил қилиши...........................................................................** | 29 |
| 2.1. | ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида касса ва хисоб-китоблар ҳисоби ва аудитини такшил килиниши................................... | 29 |
| 2.2. | ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида бошқа хисоб-китоблар хисоби.................................................................. | 37 |
| 2.3. | ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида чет эл валютаси бўйича ҳисоб китоблар ҳисоби............................. | 48 |
| **III БОБ** | **Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида бошқа ҳисоб китоб операциялари ҳисоби ва уни такомиллаштириш..** | 56 |
| 3.1. | ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида банк мижозлари билан касса ва ҳисоб китоб операциялари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш.................................................... | 56 |
| 3.2. | ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалининг бошқа банклар билан ўзаро хисоб-китоблар хисоби ва аудити....................... | 60 |
| | **Хулоса ва таклифлар.........................................................** | 70 |
| | **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати...................................** | 72 |

# К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодиётни модернизациялашни янада ривожлантириш жараёнида пул маблағидан самарали фойдаланиш банклар фаолиятини баркарор ривожланишини таъминловчи асосий омилларидан биридир. Чунки Банклар фаолиятининг узлуксиз давом этишини таъминлаш учун зарур ишлаб чикариш захиралари ва мехнат воситалари сотиб олищ, давлат бюджетидан ташкари фондлар учун туловларни амалга ошириш учун маълум микдорда пул маблағи талаб килинади. Шунинг учун хам банклар мавжуд пул маблагларини юкорида курсатилган максадларга сарфлащда иктисодий жихатдан манфаатли ва тежамли булган хамда банкларга уз маблагларидан рационал фойдаланиш имконини беришни биринчи навбатда хисобга олиш зарур.

Бозор муносабатларининг чукурлашуви пул маблағи хисобининг услубий асослари ва уларнинг харакатини ҳисобга олищ, уларни ифодаловчи курсаткичларнинг сифат жихатидан узгаришини таҳлил этишни талаб килмокда. Шунинг учун хам пул маблағининг хисоби, таҳлили ва аудитини тартибга солувчи конуний ва меъёрий хужжатларни кайта куриб чикишни талаб килди. Шу асосда Республикамизда пул маблағи хисобини тартибга солувчи конуний ва меъёрий хужжатлар охирги йилларда бозор иктисодиёти талабларидан келаб чиккан холда ишлаб чикилди ва бу бухгалтерия хисоби, таҳлил ва аудитнинг услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Республикамизнинг миллий валютасини кадрли булишини таъминлаш мамлакатимизнинг энг асосий иктисодий вазифаларидан бири хисобланади.

Президентимиз такидлаганидек, “2013 йилда электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди ва савдо якунлари бўйича 83 миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди. Бунда давлат харидлари доирасида сотувга қўйилган товар ва хизматларнинг 83 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бундан ташқари, товар ва хизматлар учун тўловларни, банкдаги ҳисобрақамлари ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, Интернет тармоғи ва мобиль телефон орқали, аҳолидан қўшимча воситачилик ҳақини олмасдан амалга ошириш тизими жорий этилди...”[1]

Юртбошимиз кўрсатиб ўтганидек, банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши, инвеститсия фаолиятини кенгайтириш манбаси тижорат банкларнинг бевосита ҳисоб китоб опеацияларидир, Шунинг учун ҳам уларни ҳисобини тўғри юритилиши муҳим ҳисобланиб, бу бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки инвесторлар, банклар ўз капитали, фондлари, ҳамда банк фаолияти бевосита ҳисоб китоб операциялари билан боғлиқ. Шу боисдан, мазкур танланган мавзу бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб, ҳисоб китоб операциялари тўғри ташкил қилиш бўйича мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқишга бағишланган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**. Тижорат банклари касса ва ҳисоб китоб операциялари ҳисоби ва аудити услубиётини ривожлантирищда чет эл иқтисодчи олимларидан В.И.Белоцерковский, В.Р.Банк, С.В.Галицкая, Т.Н. Малкова, А.. А. Казимагомедов, Е.П.Козлова, В.Н.Курсов, Е.Н.Николаев, К.Г.Парфёнов, Л.В.Усатова, Е.А.Федорова, шунингдек республикамизнинг шу соҳа олимларидан Ш.Абдуллаева, А.Ибрагимов, Т.М Каралиев, Н.Жўраев, Ф.Абдувахидов ва бошқалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар ва қўшиб келмоқдалар.

[1] ЎзР Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” номлимаърузаси. (“Халқ сўзи” газетаси, 2014 йил 17 январь).

**Битирув малакавий ишнинг асосий мақсади**- иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш шароитида тижорат банкларда касса ва ҳисоб китоб оперцияларини ҳисобга олиш ва уларнинг аудитини ўтказиш услубини ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳамда касса ва ҳисоб китоб оперцияларининг жараёнини ҳисобга олишда миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш бўйича илмий, назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларини кўриб чиқишдан иборатдир.

**Битирув малакавий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар** белгилаб олинди:

- тижорат банк касса оперциялари тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш;
- банк касса оперциялари ҳисобини ташкил қилиш усулларини ўрганиш ва уни мукаммаллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш йўлларини кўриб чиқиш;
- банк касса оперциялари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсия бериш;
- банк касса ва ҳисоб китоб оперцияларининг ҳисобининг ҳозирги ҳолати ўрганган холда, назарий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот обекти бўлиб,** ОАТБ "Микрокедитбанк" Хива филиалида ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари** бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётни тартибга солувчи қонунлари, Республика Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги ва МБ томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ва услубий асарлари ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги.** ОАТБ "Микрокедитбанк" Хива филиалининг касса ва ҳисоб-китоб операцияларини ҳисобга олиш борасидаги тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ҳамда тартибга солиш асосида тижорат банкларининг молиявий натижаларини ҳисобини такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш шунингдек, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар доирасида такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш ҳисобланади. Битирув малакавий ишнинг натижалари қуйидагилар билан изоҳланади:

- тижорат банкларда касса оперциялари ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиб ўрганилди;
- тижорат банкларда касса ва ҳисоб китоб оперциялари ҳисобига доир ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар тадқиқ қилиш натижасида ўрганилди;
- тижорат банкларда касса ва ҳисоб китоб оперциялари ҳисобини амалдаги тартибини ўрганилди ва янги счётлаврдан фойдаланиш таклиф қилинди;
- тижорат банкларда касса ва ҳисоб китоб оперциялари ҳисобини такомиллаштириш масалаларига доир таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга қўллашга тавсия қилинди;
- тижорат банкларда мустақил ички аудитни ташкил қилиш бўйича таклифлар берилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти**. Тижорат банкларда касса ва ҳисоб китоб оперциялари ҳисобига доир ишлаб чиқарилган таклиф ва тавсиялар банкларда ҳисоб тизимини такомиллаштиришга, молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг маълумотларга эга бўлишларига ҳамда молиявий қарорлар қабул қилишларига ёрдам беради. Ишдаги тавсиялар аниқ далилларга асосланиши, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамиятини янада оширади.

**Битирув малакавий ишнинг таркиби**. кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

# I БОБ Тижорат банкларда касса ва ҳисоб-китоб операцияларини ташкил этишнинг назарий асослари

## 1.1. Тижорат банкларида касса ва ҳисоб китоб операциялари ҳисоби усуллари

Бизга маълумки бугунги кунда, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга юртбошимиз бошчилигида асосий эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан 2010-14 йилларда ҳам банк тизимида амалга оширилганислоҳотлар Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган қуйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилди:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда ресурс базасини кенгайтириш;
- банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлащдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш;
- банкларда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва мижозларга янги қулайликлар яратиш;
- ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилишини янада кенгайтириш;
- банкларни якка тартибда баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириш.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2010 йилда устувор вазифа бўлиб қолади.

Шуни таъкидлашни истардимки, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бироқ, бу борадаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш керак. Нега деганда, айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ.

Биринчи навбатда банклар, уларнинг муассислари капиталлашув даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни охирига етказиши, ўз низом жамғармаси миқдорини белгиланган кўрсаткичларга олиб чиқиши лозим.

Бугунги кунда банкларда омонатларнинг кўпайишига, уларнинг банк тизимига жалб этилишига нималар тўсқинлик қилаётганини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўриш керак. Бу ўринда гап аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини банк секторига жалб қилищда таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш омилларини ташкил этиш, иқтисодиётнинг реал секторига кредит ажратишни кўпайтириш учун банкларнинг имкониятини кенгайтириш ҳақида бормоқда.

Банклар зиммасига инвеститсия фаолиятини кенгайтириш вазифалари юклангани сабабли уларнинг ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим.

Биринчи навбатда, бу борада инвеститсия лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва молиялашни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизматларини мустаҳкамлаш зарур." [2]

Республикамизда банк инфратузилмаларининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирмоқда.

Банкларнинг капитали ва мижозлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Банклар томонидан узоқ муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлар бўйича солиқ имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан устувор тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш учун кредитлар ажратилиши янада фаоллашди.

Бундан ташқари, банкларнинг аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш ҳамда уй-жой қуриш, сотиб олиш учун истеъмол ва ипотека кредитлари ажратиш борасидаги ишлари ҳам давом эттирилди Умуман олганда, банкларнинг умумий активлари 2008 йилда 30,1 фоизга ощди.

Шундан келиб чиқган холда тижорат банклари иш фаолиятини тўғри ташкил этиш ва ҳисоб китоб операцияларини тўғри ташкил этиш жуда муҳимдир.

Бухгалтерия ходимларининг иш куни шундай ташкил этилиши лозимки, бунда келаётган хисоб-китоб-пул хужжатлари уз вактида ижро этилиши хамда улар хисобвараклар буйича бухгалтерия хисобида акс эттирилиб, кундалик баланс тузилиши керак.

Банкларда иш куни ва хужжатлар айланишини ташкил этищда куйидаги асосий талаблар белгиланган:

-иш кунининг биринчи ярмида (бу вакт операция куни дейилади) банкка келиб тушган барча хисоб-китоб-пул хужжатлари шу куннинг узида кабул килиниши, расмийлаштирилиши ва бухгалтерия хисоби хисобваракларида акс эттирилиши лозим. Операция куни тугагандан кейин банкка келиб тушган хисоб-китоб-пул хужжатлари, кейинги иш кунида мижозларнинг хисобваракларига киритилади[3].

-операция куни давомида мижозлардан хисоб-китоб-пул хужжатларини бевосита бухгалтерия ходимларининг узлари кабул килиб оладилар. Операция кунидан ташкари вактда хужжатлар банкка махсус курилмалар (кутилар) оркали топширилиши мумкин. Улардаги хужжатлар камида хар соатда бир марта олинади;

-операциялар хажмини тартибга солиб туриш учун хар бир банкда доимий равищда банкка катта микдорда тулов хужжатлари такдим этиб турадиган асосий мижозлардан хужжатларни кабул килиш графиги белгиланади;

-жисмоний шахсларнинг (турли бадалларни топширувчи фукароларнинг, омонатчиларнинг) хисоб-китоб ва касса операциялари ушбу операцияларни бажарувчи бухгалтерия ходимлари томонидан операция куни давомида амалга оширилади;

-барча хисоб-китоб-пул хужжатлари буйича талаб килиб олингунча депозит хисобвакларидан амалга ошириладиган туловлар, жумладан бюджетга ажратмалар ва иш хаки учун туловлар факат ушбу хисобваракларда маблаг булган такдирда амалга оширилади.

Юкорида баён этилганларни хисобга олиб, хар бир банкда мижозларга хизмат

---

[2]Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил 14 февраль, №33-34 (4696-4697)

[3] Ф.Т.Абдувахидов ва бош . "Тижорат банкларида Бухгалтерия ҳисоби" . Т – 2010 й.

курсатиш ва хужжатлар айланиши графиги тузилади. Унда хужалик юритувчи субъектларга хисоб-китоб-касса хизматлари курсатишнинг аник вакти (оралиги) хамда уларни кайта ишловчи барча участкалардан хужжатлар утадиган вакт курсатилади. Мижозларга хизмат курсатиш ва хужжатлар айланиши графигини банк рахбари тасдиклайди.

Бухгалтерия ходими томонидан юритиладиган хисобвараклар буйича банк мижозлари ва ходимларидан кабул килинган хисоб-китоб-пул хужжатларига тегишли ишлов берилади.

Такдим этилган хужжатлар буйича накд пул маблаглари ёки бошка бойликларнинг утказилиши ёхуд берилиши мумкинлигини бу маблаглар олиниши керак булган хисобваракнинг ахволига караб текширилади (мазкур хисобваракка куйилган даъволар хамда туловларнинг белгиланган тартибини хисобга олган холда депозит хисобварагидаги буш маблаг колдиклари етарли ёки етарли эмаслиги текширилади).

Келиб тушган барча хисоб-китоб хужжатлари буйича амалга оширилган операциялар конунийлиги хамда улар кредитлаш ва хисоб-китоб килиш коидаларига мувофиклиги, шунингдек мазкур мижознинг устави (низоми)да кузда тутилган фаолият турига мувофиклиги нуктаи назардан куриб чикилади.

Хусусан, хужжат матнида туловлар максади курсатилгани (истисно этиладиган холатлардан ташкари), операция хисобваракларнинг дебети буйича хам, кредити буйича хам мижоз фаолияти характерига хамда мазкур хисобварак максадига мос келиши лозим:

-товарлар ва хизматлар хакини тулаш учун ёзилган тулов талабномалари, тулов топширикномалари ва хисоб-китоб чекларида товар-транспорт хужжатларининг ёки улар урнини босувчи бошка хужжатларнинг номерлари хамда улардаги суммалар курсатилган булиши керак;

-тўлов топширикномаларида даврий туловлар буйича хисоб-китоб килиш тугрисидаги битим санаси кайд этилгани, карзлар бериш ва карз хисобваракларини тартибга солиш билан боглик хужжатларда банк рахбари ёки у ваколат берган шахснинг ижозат устхатларининг мавжудлиги текширилади.

Мижозларнинг иш хаки тугрисидаги такдим этган маълумотномалари тугри расмийлаштирилган булиши керак. Маблаглар белгиланган хажм доирасида берилишини назорат килиш, иш хаки тулаш учун берилган маблаглар хисобини юритиш, мижозларга иш хаки график буйича туланиш муддатларига риоя этилишини, ишчи ва хизматчиларнинг иш хакидан ушлаб колинган соликлар, шунингдек давлат ижтимоий сугуртаси буйича туловлар суммалари утказилишини назорат килади.

Кассадан келган кирим хужжатларидаги кассирлар имзоларини намуналарга солиштириб курилади. Мижозларга урнатилган тартибда берилган накд пул ва хисоб-китоб чеклари ракамларини тегишли карточкаларда кайд этиш ва уларнинг амал килиш муддатларига мос келиши шарт. Ижро учун кабул килинган ва ижрочининг узи тузган хужжатларни имзолайди.

"Кўзда тутилмаган холатлар" хисобваракларида хисобга олинадиган хисоб-китоб-пул хужжатлари карточкаларини юритиб борилади. Мижозларнинг хисобваракларидан уларга куйилган (талабномалар) даъволар суммаларини амалдаги конунчиликка биноан тулов навбатига риоя этган холда белгиланган муддатларда чикариб борилади.

Хизмат курсатиладиган мижозлар буйича инкассо хужжатлари картотекаларини уз вактида юритиб бориш лозим. Олдиндан акцептланиб, инкассо тартибида тулаб бериладиган хужжатлар суммаларининг туланиш муддатларини, шунингдек зарур холларда халкаро хисоб-китобларда кулланиладиган хужжатларда валюталаш муддатлари белгилаб олинади.

Шахсий хисобваракларидаги ёзувлар тугрилиги, шахсий хисобваракларидаги ёзувлар тугри акс эттирилгани хисобварак дебети буйича бу ёзувлар учун асос булган асл нусхадаги хужжатларга караб, кредит буйича эса, келиб тушган хужжатларнинг электрон нусхаларига солиштириб курилади.

Жорий ойдаги шахсий хисобвараклар маълумотларини йигиш ва саклаш хамда

уларни жорий архивга уз вактида топшириш зарур. Бажарилган операциялар буйича белгиланган хисоботларни тузади. Мижозлар ва бошка банкларнинг бажарилаётган операцияларга хамда мазкур банкда хизмат курсатилаётган мижозларга доир хатлари ва рекламацияларини ижро этиш талаб этилади.

Хужжатлар айланиш графигига хамда мижозларга хизмат курсатиш графигига риоя этилиши лозим. Операциялар тигизлиги бир меъёрда булишини таъминлаш хамда хужжатлар айланишини тезлаштириш максадида банкларда хужжатлар айланиши хамда мижозларга хизмат курсатиш графиги ишлаб чикилади.

Ушбу графикларда хужжатлар уларга ишлов бериладиган барча участкалардан утиши керак булган аник вактлар курсатилади. Бунда иш куни давомида расмийлаштирилмаган хужжатлар тупланиб колишига йул куймаслик лозимлиги хисобга олинади. График тузилаётганда куйидагилар эътиборга олинади:

Кунлик тушумни кабул килишга доир хужжатлар бухгалтериянинг операцион булими ходимлари кулига пул маблагларини дастлабки санаш кассасидан иш куни бошланиши олдидан келиб тушиши лозим. Банк операцион куни мобайнида инкасса килинган накд пул тушуми хужжатлари кассадаги накд пул тушуми санаб булинмаганлигидан катъи назар соат 16.00 дан кечикмай олинади. Касса дафтарларини касса маълумотлари билан солиштириш соат 18.00 гача якунланади;

-иш кунининг иккинчи ярмида мижозлардан кабул килинган хисоб-китоб-пул хужжатларини тулаш вакти мобайнида (яъни иш куни охиригача) расмийлаштирилиши лозим;

-мижозлардан келиб тушган хужжатлар шу мижозларга имкони борича хизмат курсатиш вактигача тулаб берилиши лозим;

-мижозлардан хужжатлар бутун иш куни мобайнида кабул килинади. Банк операцион куни охиригача банкка келиб тушган хужжатлар жорий кун баланси буйича бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади, банк опера-цион куни тугагандан сунг топширилган хужжатлар эса банкнинг кейинги иш куни баланси буйича утказилади. Иш куни якунланишига камида икки соат колган вактда бошка шахарда жойлашган туловчиларнинг хизмат курсатувчи банкларига инкассага кабул килинган тулов талабномалари уша куниёк жунатилади.

Банкларда иш куни ва хужжатлар айланишини ташкил этишда куйидаги асосий талаблар белгиланган:

-иш кунининг биринчи ярмида (бу вакт операция куни дейилади) банкка келиб тушган барча хисоб-китоб-пул хужжатлари шу куннинг узида кабул килиниши, расмийлаштирилиши ва бухгалтерия хисоби хисобваракларида акс эттирилиши лозим. Операция куни тугагандан кейин банкка келиб тушган хисоб-китоб-пул хужжатлари, кейинги иш кунида мижозларнинг хисобваракларига киритилади.

-операция куни давомида мижозлардан хисоб-китоб-пул хужжатларини бевосита бухгалтерия ходимларининг узлари кабул килиб оладилар. Операция кунидан ташкари вактда хужжатлар банкка махсус курилмалар (кутилар) оркали топширилиши мумкин. Улардаги хужжатлар камида хар соатда бир марта олинади;

-операциялар хажмини тартибга солиб туриш учун хар бир банкда доимий равишда банкка катта микдорда тулов хужжатлари такдим этиб турадиган асосий мижозлардан хужжатларни кабул килиш графиги белгиланади;

-жисмоний шахсларнинг (турли бадалларни топширувчи фукароларнинг, омонатчиларнинг) хисоб-китоб ва касса операциялари ушбу операцияларни бажарувчи бухгалтерия ходимлари томонидан операция куни давомида амалга оширилади;

-барча хисоб-китоб-пул хужжатлари буйича талаб килиб олингунча депозит хисобваракларидан амалга ошириладиган туловлар, жумладан бюджетга ажратмалар ва иш хаки учун туловлар факат ушбу хисобваракларда маблаг булган такдирда амалга оширилади.

Юкорида баён этилганларни хисобга олиб, хар бир банкда мижозларга хизмат курсатиш ва хужжатлар айланиши графиги тузилади. Унда хужалик юритувчи

субъектларга хисоб-китоб-касса хизматлари курсатишнинг аник вакти (оралиги) хамда уларни кайта ишловчи барча участкалардан хужжатлар утадиган вакт курсатилади. Мижозларга хизмат курсатиш ва хужжатлар айланиши графигини банк рахбари тасдиклайди.

Бухгалтерия ходими томонидан юритиладиган хисобвараклар буйича банк мижозлари ва ходимларидан кабул килинган хисоб-китоб-пул хужжатларига тегишли ишлов берилади.

Такдим этилган хужжатлар буйича накд пул маблаглари ёки бошка бойликларнинг утказилиши ёхуд берилиши мумкинлигини бу маблаглар олиниши керак булган хисобваракнинг ахволига караб текширилади (мазкур хисобваракка куйилган даъволар хамда туловларнинг белгиланган тартибини хисобга олган холда депозит хисобварагидаги буш маблаг колдиклари етарли ёки етарли эмаслиги текширилади).

Келиб тушган барча хисоб-китоб хужжатлари буйича амалга оширилган операциялар конунийлиги хамда улар кредитлаш ва хисоб-китоб килиш коидаларига мувофиклиги, шунингдек мазкур мижознинг устави (низоми)да кузда тутилган фаолият турига мувофиклиги нуктаи назардан куриб чикилади.

Хусусан, хужжат матнида туловлар максади курсатилгани (истисно этиладиган холатлардан ташкари), операция хисобвакларнинг дебети буйича хам, кредити буйича хам мижоз фаолияти характерига хамда мазкур хисобварак максадига мос келиши лозим:

- товарлар ва хизматлар хакини тулаш учун ёзилган тулов талабномалари, тулов топширикномалари ва хисоб-китоб чекларида товар-транспорт хужжатларининг ёки улар урнини босувчи бошка хужжатларнинг номерлари хамда улардаги суммалар курсатилган булиши керак;

-тўлов топширикномаларида даврий туловлар буйича хисоб-китоб килиш тугрисидаги битим санаси кайд этилгани, карзлар бериш ва карз хисобваракларини тартибга солиш билан боглик хужжатларда банк рахбари ёки у ваколат берган шахснинг ижозат устхатларининг мавжудлиги текширилади.

Аккредитивлар билан хисоб-китоб килинаётганда барча хужжатларнинг аккредитивлар шартларига келиши лозим. Чеклар, тулов ва инкассо топширикномалари, тулов талабномалари ва уларга илова килинган товар-транспорт хужжатлари ёхуд уларнинг урнини босувчи бошка хужжатлар тугри расмийлаштирилганлиги хамда бу хужжатлар белгиланган шаклдаги бланкларда тузилганини, уларнинг кузда тутилган барча реквизитлари тугри тулдирилиши лозим:

- ракам ва суз билан ёзилган суммаларда тузатиш ва кушимча ракам киритиш аломатлари йуклиги, кушимча ракам ёзилмаслиги учун чеклардаги буш уринларга чизик тортилганлиги;

- хужжатнинг кушимча нусхаларининг биринчи нусхасига мос келиши хужжатда белгиланган тартибда имзолар ва мухр изи борлиги, уларнинг олдиндан берилган намуналарга мослиги;

- туланиши лозим булган такдим этилган чеклар номерларининг имзолар намуналари куйилган карточкалардаги кайд этилган номерларга ёки мазкур мижозга берилган чек дафтарчалари кайд этиш карточкасига тугри келиши;

- эгаси курсатилган чеклар ёки чиким ордерида олувчининг паспортини курсатгани тугрисидаги ёзувнинг тугрилиги, пул ва бошка кимматликлар олингани тугрисида эгаси курсатилган чеклардаги чиким касса ордерларидаги ва бошка хужжатлардаги тилхатнинг мавжудлиги хамда бу ёзилган тилхатларнинг хакикийлигини текширади.

Мижозларнинг иш хаки тугрисидаги такдим этган маълумотномалари тугри расмийлаштирилган булиши керак. Маблаглар белгиланган хажм доирасида берилишини назорат килищ, иш хаки тулаш учун берилган маблаглар хисобини юритищ, мижозларга иш хаки график буйича туланиш муддатларига риоя этилишини, ишчи ва хизматчиларнинг иш хакидан ушлаб колинган соликлар, шунингдек давлат ижтимоий сугуртаси буйича туловлар суммалари утказилишини назорат килади.

Кассадан келган кирим хужжатларидаги кассирлар имзоларини намуналарга

солиштириб курилади. Мижозларга урнатилган тартибда берилган накд пул ва хисоб-китоб чеклари ракамларини тегишли карточкаларда кайд этиш ва уларнинг амал килиш муддатларига мос келиши шарт. Ижро учун кабул килинган ва ижрочининг узи тузган хужжатларни имзолайди.

Хизмат курсатиладиган мижозлар буйича инкассо хужжатлари картотекаларини уз вактида юритиб бориш лозим. Олдиндан акцептланиб, инкассо тартибида тулаб бериладиган хужжатлар суммаларининг туланиш муддатларини, шунингдек зарур холларда халкаро хисоб-китобларда кулланиладиган хужжатларда валюталаш муддатлари белгилаб олинади.

Хорижий банклар ва мижозларнинг топширикномаларига биноан бажариладиган валюта операциялари учун воситачилик хаки, халкаро телеграф ва почта жунатмалари учун килинадиган харажатлар урнини коплаш суммалари, шунингдек хужжатлар хакини тулаш ёки карзларни кайтариш муддатлари кечиккан учун пенялар хамда фоизлар суммаларини хисоблаб бориш лозим.

Жорий ойдаги шахсий хисобвараклар маълумотларини йигиш ва саклаш хамда уларни жорий архивга уз вактида топшириш зарур. Бажарилган операциялар буйича белгиланган хисоботларни тузади. Мижозлар ва бошка банкларнинг бажарилаётган операцияларга хамда мазкур банкда хизмат курсатилаётган мижозларга доир хатлари ва рекламацияларини ижро этиш талаб этилади.

Хужжатлар айланиш графигига хамда мижозларга хизмат курсатиш графигига риоя этилиши лозим. Операциялар тигизлиги бир меъёрда булишини таъминлаш хамда хужжатлар айланишини тезлаштириш максадида банкларда хужжатлар айланиши хамда мижозларга хизмат курсатиш графиги ишлаб чикилади.

## 1.2. Тижорат банкларда тулов операциялари бўйича хисоб-китоблар ва уларнинг аудитини ташкил этиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларига асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат бюджетидан тижорат банклари устав капиталини ошириш бўйича маблағлар ажратилиши белгилаб берилди. Жумладан, давлат тижорат «Халқ банки»нинг устав капиталини 2009-2012 йилларда 200 млрд. сўмга, 2009 йилда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 150 млрд. сўмга, «Пахтабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга, «Ғаллабанк» акциядорлик-тижорат банкнинг устав капиталини 50 млрд. сўмга, «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг устав капиталини 300 млрд. сўмга етказиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.” [4]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли Қарори талабларига мувофиқ, мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан ташкил этилган махсус кассалар сони 1411 тадан ошди.[5]

Тулов топширикномаси (кейинги холларда топширикнома) мижоз уз хисобварагидан унга хизмат курсатувчи банкка маълум бир суммани бошка мижознинг хисобварагига утказиш тугрисидаги топширигини англатади. Топширикномалар билан товарлар, иш, хизматлар ва бошка туловлар буйича хисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Топширикноманинг санаси уни банкка такдим этилган сана билан бир хил булиши керак;

---

[5] ЎзР .Президенти 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли.”Мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун қулайликлар яратиш” тўғрисидаги Қарори

улар мос келмаган холда тулов топширикномаси ижро учун кабул килинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташкари фондлар буйича туловлар бундан мустасно).

Топширикномалар банк томонидан хисобварагда маблаглар мавжуд булгандагина кабул килинади, агарда шартнома ва бошка меъёрий хужжатларда бошкаси кузда тутилмаган булса.

Почта ва телекоммуникация агентлиги оркали (пенсиялар, алиментлар ва х.к.) маблагларни тулов топширикномалари билан кучирищда, илова килиниши лозим булган барча хужжатларни (утказмалар руйхати, маълумотномалар ва бошкалар) мижоз бевосита Узбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги корхоналарига урнатилган тартибда такдим этади. Хисобвараглардан кечиктириб булмайдиган эхтиёжлар учун маблагларни хисобдан чикариш хужалик субъектларининг топширикларига асосан амалдаги меъёрий хужжатларда урнатилган тартибда амалга оширилади. Топширикномаларда "кечиктириб булмайдиган туловлар хисобидан" сузи ёзилиши лозим. Банклар кечиктириб булмайдиган эхтиёжлар учун хисобланган маблаглар микдорини тугри хисобланишини назорат киладилар.

Тулов топширикномалари банкка куйидаги тартибда такдим этилади:

туловчи ва олувчига битта банкда хизмат курсатилса, топширикномалар банкка уч нусхада такдим этилади: биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси эса туловни (маблагни) олувчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади,учинчи нусхаси туловчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

банклараро хисоб-китобларда яъни туловчи ва олувчига турли хил банкларда хизмат курсатилган холда топширикномалар банкка икки нусхада такдим этилади: биринчи нусхаси туловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси туловчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

"Банк-Мижоз" тизимидан фойдаланадиган мижозлардан алока канали оркали олинган электрон тулов топширикномалари дастурий назоратдан утказилади, зарурат тугилганда когозга чикарилади ва тегишли текширувдан сунг банк амалиёт кунига кайта ишлаш учун узатилади. Туловлар амалга оширилгандан кейин мижозлардан олинган электрон топширикномалар икки нусхада когозга чикарилади: бир нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси пул-хисоб-китоб хужжатларининг асл нусхаси олингунга кадар таккослаш учун банкда колдирилади, таккослангандан сунг белгиланган тартибда банкнинг алохида хужжатлар йигма жилдига тикилади.

Электрон туловлар тизими оркали олинган электрон тулов топширикномалари маблагларни олувчи банкда икки нусхада когозга чикарилади: биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, ккинчи нусха эса туловни (маблагни) олувчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

Ваколатли вакиллар номига утказмалар.

Корхона ва ташкилотларнинг маълум вазифаларни бажариш учун узок муддатга бошка жойларга хизмат сафарига жунатилган ходимлари (ушбу ходимлар кейингисида вакиллар деб номланади) банк булимларида талаб килиб олингунча депозит хисобвараглар очиш хукукига эга.

Вакиллар учун маблагларни утказишга доир топширикномалар умумий белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва банк булими рахбарларининг ёзма рухсати билан ижрога кабул килинади. Вакил хужалик идорасининг иккинчи булиб имзо куйиш хукукига эга мансабдор шахси булган холларда, унинг имзоси билан унинг хисобварагига маблаг утказиш буйича топширикномалар бажариш учун кабул килинмайди. Вакиллар хисобвbooрагларида факат уларни хизмат сафарига жунатган ташкилотлардан тушган маблаглар утказиб берилиши мумкин.

Вакилларнинг счетларидан накд пул билан ва накд пулсиз хисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Ушбу операцияларнинг узига хос хусусиятини назарда тутиб, банк

хар бир холатда накд пулга талабларни асослилигини ва накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килиш имкониятларини куриб чикиши шарт. Вакилларга накд пулларни бериш шахсан вакилнинг узи томонидан тулдириладиган чиким касса ордерлари буйича бажарилади. Ваколатли вакиллар томонидан пулни олиш хукукини бошка шахс зиммасига юклаш маън этилади.

Уз манзилидан ташкарида жойлашган харбий кисм булинмалари ва муассасаларининг командирлари(бошликлари)га утказмалар буйича маблаглар "Мудофа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва уларга тегишли корхоналарига банк счетларини очиш" коидаси талабларига мувофик равишда берилади.

Барча туловлар ва ваколатли вакилларнинг счетларидан маблагларни утказиш банк рахбарининг рухсати билан амалга оширилади. Бунда маблагларни олувчи(утказма берувчи)нинг шахсини аникловчи хужжатларини текшириб куриб, чиким касса ордери ёки тулов топширикномасининг тескари томонида керакли маълумотлар ёзиб куйилади.

Ваколатли вакил учун утказилган маблаглар келиб тушган кундан бошлаб ёки туловнинг охирги санасидан кейин икки ой давомида вакил томонидан талаб килинмаган холда утказмалар берувчининг банкига кайтарилиши лозим. Маблагларни ишлатилмаган колдиги муддатидан олдин маблаг берувчининг аризасига мувофик кайтарилиши мумкин.

Утказма берувчи ваколатли вакилга утказилган маблагларни факат унга хизмат килувчи банк булими оркалигина чакириб олиши мумкин. Бунда банк томонидан маблагларни кайтариш ваколатли вакилнинг хисобварагида мавжуд булган маблаглар колдиги доирасида бажарилади.

Тулов талабномаси (кейингида "талабномалар") бу махсулот етказиб берувчининг (маблагни олувчи) туловчига белгиланган суммани банк оркали тулаши тугрисидаги талабини уз ичига олган хисоб-китоб хужжатидир.

Талабномалар куйилиши мумкин:

юклаб жунатилган товарлар учун, бажарилган ишлар учун, курсатилган хизматлар учун, бошка туловлар учун, амалдаги конунчиликда, меъёрий хужжатлар ёки шартномада кузда тутилган булса.

Талабнома тегишли реквизитларни хам уз ичига олиши шарт. Бундан ташкари махсулот етказиб берувчи талабномада куйидагиларни курсатиб утиши шарт:

Шартнома санаси ва ракамини, контрактация шартномалари буйича махсулот етказиб беришда тулов талабномасининг мос устуни(графаси)да "контрактация шартномаси" деб курсатиши лозим.

Махсулотларни юклаб жунатиш (бериш) санасини ва товар-транспорт ёки кабул килиш-топшириш хужжатлари ракамини ва транспорт турини, товарларни почта ва телекоммуникация агентлиги оркали жунатганда эса - почта квитанцияларининг ракамини курсатиши лозим.

Талабномаларга товар-транспорт ёки уларни урнини босадиган хужжатлар илова килиниши лозим, бу хужжатларда мол етказиб берувчи юкланган товарлар ёки курсатилган хизматларнинг асосланган бахосини курсатиши шарт, агарда мол етказиб берувчи ва туловчи уртасидаги шартномада бошка тартиб белгиланмаган булса.

Махсулот етказиб берувчи талабномани товар-транспорт ёки уларни урнини босадиган хужжатлар билан бирга махсулот юклаб жунатилганидан (хизмат курсатилганидан) кейин шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилмасдан инкассо учун топширади. Талабномалар томонлар уртасида тузилган шартномага асосан акцептланган ва акцептланмаган булиши мумкин.

Махсулот етказиб берувчи битта операция буйича талабномаларни кайта такдим килиш хукукига эга эмас. Куйидаги холатлар бундан истисно: туловчи банкига дастлабки талабнома келиб тушмаганлиги хакида хабар мавжуд булса, агар талабнома корхонага ёзилган булиб юк манзили узгартирилганда. Бундай холларда махсулот етказиб берувчи

дастлабки талабномаларни туловчининг банкидан чакиртириб олиши шарт[6].

Талабномалар, махсулот етказиб берувчилар томонидан руйхат (реестр) билан бирга унга хизмат курсатувчи банкка такдим этилади. Бунда:

Руйхат - тулов талабномаларининг барча реквизитларини уз ичига олган холда икки нусхада тузилади. Руйхатнинг биринчи нусхаси корхона (ташкилот)нинг рахбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, корхона мухрининг изи билан тасдикланиши лозим. Руйхатнинг биринчи нусхаси кабул килинган сана курсатилган холда бухгалтернинг имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан тасдикланиб банкда колдирилади. Руйхатнинг иккинчи нусхаси кабул килинган сана, бухгалтернинг имзоси ва унга бириктирилган банк штампи билан тасдикланиб мол етказиб берувчига кайтарилади.

Талабномалар:

туловчи ва маблагларни олувчига битта банкда хизмат курсатилса 3 нусхада такдим этилади: талабноманинг биринчи нусхаси тулов амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, талабноманинг иккинчи нусхаси эса тулов амалга оширилгандан кейин туловни (маблагни) олувчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади, топширикноманинг учинчи нусхаси тулов амалга оширилгандан кейин туловчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

банклараро хисоб-китобларда яъни туловчи ва олувчига турли хил банк томонидан хизмат курсатилган холда топширикномалар банкка икки нусхада такдим этилади:

Талабномаларнинг биринчи ва иккинчи нусхалари почта алокаси оркали туловчининг банкига жунатилади: биринчи нусхаси туловини кутиб банкда колади, иккинчи нусхаси, унга товар-транспорт ёки уларнинг урнини босувчи хужжатлар билан бирга кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан хужжатни кабул килинган санаси курсатилган холда тулов тугрисида маълумот сифатида ва акцептлаш учун туловчига берилади ёки мижознинг почта кутисига жойлаштирилади. Туловчи акцепт хакида белги куйган холда талабномаларни белгиланган муддатда банкка кайтариши шарт.

Акс холда, талабномалар умумий тартибда акцептланади ва туловлар амалга оширилгандан сунг: биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси эса туловчига шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда берилади.

Маблагларни олувчи банкда электрон тулов тизими оркали олинган электрон талабномалар икки нусхада когозга чикарилади: биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси эса туловни (маблагни) олувчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

Туловчининг депозит хисобварагида маблаг булмаганда талабномалар 2-картотекада туловини кутаётган хужжатлар каторига жойлаштирилади, бу хакда махсулот етказиб берувчининг банкига хабар берилади ва туловлар счетка келиб тушган маблаглар доирасида амалдаги конунчиликда ва меъёрий хужжатларда урнатилган тартибда амалга оширилади. Туловчининг депозит хисобварагида маблаг етарли булмаганда талабномалар буйича туловлар мавжуд маблаглар доирасида кисман амалга оширилади. Колган сумма эса 2-картотекада туловини кутаётган хужжатлар каторига жойлаштирилади, бунда талабноманинг орка томонида кисман туланган сумма ёзиб борилади.

Махсулот етказиб берувчининг илтимосига кура унга хизмат курсатувчи банк булими туловчининг банкига тулов талабномаларининг туланмаслиги сабаблари тугрисида почта суровини юборади. Суров буйича жавоблар туловчининг банки томонидан улар почта оркали келиб тушгандан кейин 3 кундан кечиктирмасдан юборилади. Зарурат тугилганда махсулот етказиб берувчининг илтимосига кура банк суровни кайтадан юборади.

Акцептлаб туланадиган тулов талабномалари: Банк томонидан туловчиларга

---

[6] Ф.Т.Абдувахидов.”Тижорат банкларида Бухгалтерия ҳисоби” Ўзб ёзувчилар Уюшмаси Адабиёт Жамғармаси Нашриёти.Т-2005й.63-б

талабномаларни куйидагича акцептлаш тартиби ва муддати урнатилади: бир шахар ичида жойлашган мижозлар учун - талабномаларни банкка келиб тушган кунни хисобга олмаган холда, уч иш куни, бошка шахарларда жойлашган мижозлар учун - талабномаларни банкка келиб тушган кунни хисобга олмаган холда, беш иш куни, туловчининг асосли илтимосига кура 10 кунгача, акцептлаш тартибида туланадиган талабномалар тулов муддатини кутаётган хисоб-китоб хужжатлари картотекаси (1-картотека) да жойлаштирилади.

Агар банкда 1-картотеканинг хисоби дастурий йул билан олиб борилмаса, ушбу талабномалар кабул килинган куни "Тулов учун акцептланишини кутаётган хисоб-китоб хужжатлари" дафтарида куйидаги реквизитларни курсатган холда банк томонидан кайд этилади: келиб тушиш санаси ва тулов муддати, туловчининг хисобвараги номери, туловчининг номи, талабноманинг номери ва унинг суммаси. Дафтарда хар бир тулов муддати буйича талабнома суммалари йигиндиси ва бу йигиндиларнинг жами суммаси курсатилган булиши лозим.

Туловчиларни туловлар тугрисида хабардор килиш ва акцептлаш учун мулжалланган талабномаларнинг нусхаси уларга илова килинган товар-транспорт хужжатлари билан тегишли ташкилотларга улар олинган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан топширилади.

Туловчи белгиланган муддатда ёзма равищда унга хизмат килувчи банк булимига акцептлашни кисман ёки тулик рад килиш хукукига эга (товар-материал кимматликларини жунатищда, хизматлар курсатищда ва бошкаларда шартнома шартларига амал килинмаганда, шунингдек конунчилик хужжатларига асосан).

Белгиланган муддатда корхона ёзма равищда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган хисобланади. Акцептлашни рад килиш хукукига эга булган мансабдор шахслар доирасини банк булими рахбари белгилайди. Банклар акцептлашни рад килиш мохияти буйича булган бахсларни куриб чикмайдилар.

Туловчидан талабномани тулаш тугрисида ёзма шаклда эътироз (бузулиш тури курсатилган холда) олинганда, талабномалар шу куннинг узидаёк 1-картотекадан олинади хамда товар-транспорт хужжатлари ва бошка иловалар билан бирга махсулот етказиб берувчининг банкига ижросиз кайтариб юборилади.

Талабномани акцептлащдан кисман бош тортганда, туловчи томонидан акцептланган сумма буйича туловлар амалга оширилади, маблаглар булмаганда эса №2 картотекага жойлаштирилади. Ушбу холда талабноманинг дастлабки суммаси учирилади ва ёнида туловчи акцептлаган талабнома суммаси куйилади. Бунда банк туловчи томонидан акцептлашни кисман рад килинганлиги тугрисида махсулот етказиб берувчининг (маблаг олувчининг) банкига ёзма равищда хабар бериши шарт. Банк 2-картотекадаги хисоб-китоб хужжатлари буйича туловларни амалга оширищда туловчиларга пеня хисоблаш ва олувчилар фойдасига утказиш хукукига эга, агар бу банк ва мижоз уртасида тузилган шартномада келишилган булса.

Банк туловчилардан маблагларни олувчилар фойдасига муддати утказиб юборилган туловлар буйича муддати утказиб юборилган хар бир кун учун конунда белгиланган микдорда пеня ундиради. Муддати утказиб юборилган туловлар буйича куйидаги холларда пеня хисобланмайди: кайтарилган тара учун, сифати талаб даражасида булмаган махсулот учун ортикча туланган суммаларни талабномалар асосида кайтарилишида, муддати утказиб юборилган кунларни белгилащда календар кунлар хисобга олинади.

Агарда талабнома кисман акцептланган булса, унда пеня туловчи акцептлаган суммадангина ундирилади. Ундириладиган пеня туловчининг муддати утказиб юборилган туловнинг асосий суммаси туланган хисобварагидан хисобдан чикарилади ва махсулот етказиб берувчининг муддати утказиб юборилган хисоб-китоб хужжатининг асосий суммаси туширилган хисобварагига ёзилади.

Талабнома суммаси кисман туланганда пеня хисоблаш кисман туланган туловларнинг ундирилиши билан тулов муддати кунидан тортиб то туловнинг суммасини туловчи хисобварагидан кисман хисобдан чиказилган кунига кадар хар бир тулов учун

алохида бажарилади. Кисман туловлар учун хисоблаб ёзилган пеня суммалари, талабноманинг тескари томонига ёзиб куйилади. Хисоблаб ёзилган пеня охирги туловда ундириб олинади.

Туловчининг хисобварагида талабнома буйича муддати утказиб юборилган туловнинг асосий суммасини тулаш учун маблаглар булса, ушбу суммани тулаш ушлаб турилмайди ва туловчининг хисобварагида мавжуд булган маблаглар доирасида бажарилади. Пеняни тулашга етарли булмаган сумма "Муддатида туланмаган хисоб-китоб хужжатлари" кузда тутилмаган холатлар хисобварагига асосий туловнинг дастлабки муддатига риоя этган холда кирим килинади. Муддати утган хужжатнинг асосий суммасини тулащда ундириб олинмаган пеня суммаси учун пеня хисоблаб ёзилмайди. Шунингдек, талабномага киритилаётган пеня ва жарима суммаси учун пеня хисоблаб ёзилмайди.

Акцептсиз туланадиган тулов талабномалари: Туловчиларнинг счетларидан маблагларни акцептламасдан хисобдан чикариш агар томонлар уртасида тузилган шартномада акцептсиз хисобдан чикариш курсатилган булса коммунал хизмати ( амалдаги тариф ва улчов асбоблари курсаткичлари асосида газ, сув, иссиклик ва электр энергияси ) телефон, канализация, почта-телеграф харажатлари хамда ташилган мусор учун талабномада "Акцептсиз" деган суз ёзилган ёки шу ёзув ёзилган мухр куйилган холда, тулов максади графасида "хисоблаш асбоблари курсаткичлари" ёки "тариф асосида" деган ёзув мавжуд булган такдирдагина амалга оширилади.

Шунингдек карздор томонидан тан олинган сумма хакидаги жавоб хатининг асл нусхаси илова килинган холда, талабнома хат(претензия) буйича карздор томонидан тан олинган суммани акцептсиз тартибда хисобдан чикаришга рухсат берилади, бошка холларда талабномада "Акцептсиз" деган ёзув ёзилган холда конунчиликда урнатилган тартибда амалга оширилади.

Талабноманинг тулов максади графасида ушбу туловларни акцептламасдан хисобдан чикариш белгиланган меъёрий (норматив) хужжат ёки шартноманинг санаси раками ва тегишли банди курсатилади. Бунда банк факатгина илова килинган хужжатларнинг талабномада курсатилган уларнинг реквизитларига мослигини текшириб куради, лекин уларнинг мазмуни ва хужжатларини йулда йукотилганлиги учун жавоб бермайди.

Амалиёт (операцион) кун давомида келиб тушган акцептсиз туланадиган талабномалар шу куннинг узидаёк туланади, туловчининг хисобварагида маблаглар йуклиги ёки камлигида туланмаган сумма "Уз муддатида туланмаган хисоб-китоб хужжатлари"(картотека №2) картотекасидаги счетларга жойлаштирилади. Амалиёт (операцион) кун тугагандан кейин келиб тушган акцептсиз талабномаларда "кечки" деган штамп куйилади ва улар кейинги иш куни туланади ёки №2 картотекага кирим килинади.

## II БОБ ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида касса ва ҳисоб- китоб операциялари ҳисоби ва аудитни ташкил қилиши

### 2.1. ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида касса ва хисоб-китоблар ҳисоби ва аудитини такшил килиниши

ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида ҳам ҳисоб-китобларни бир неча шаклидан фойдаланилади. Жумладан, аккредитив шакли - мижознинг топширигига кура шартнома буйича унинг контрагенти фойдасига берилаётган банкнинг шартли пул мажбуриятидир. Унга кура аккредитив очган банк (Банк эмитент), махсулот етказиб берувчига туловни бажариш ёки мол етказиб берувчи томонидан аккредитивда кузда тутилган хужжатлар такдим этилганда ва аккредитивнинг барча шартлари бажарилганда мол етказиб берувчининг банкига бу турдаги туловларни бажариш учун ваколат бериш мажбуриятини олади[7].

Аккредитив буйича хисоб-китоблар килиш тартиби ва унинг амал килиш муддати туловчи ва махсулот етказиб берувчи (маблагларни олувчи) уртасидаги шартномада белгиланади. Шартномада куйидагилар курсатилиши лозим: банк-эмитентнинг номи, аккредитивнинг тури ва уни бажариш усуллари, аккредитивни очилганлиги тугрисида махсулот етказиб берувчини хабардор килиш усули, аккредитивлар буйича маблагларни олиши учун махсулот етказиб берувчи такдим этиши лозим булган хужжатларнинг тулик руйхати ва аник тавсифномаси, махсулотлар юклаб жунатилгандан (ишлар бажарилгандан, хизмат курсатилгандан) кейин хужжатларни такдим этиш муддати, уларни расмийлаштиришга доир талаблар, бошка керакли шартлар ва хужжатлар.

Узбекистон Республикаси банкларида аккредитивларнинг куйидаги турлари очилиши мумкинлиги белгилаб берилган ва копланган (депонентланган), копланмаган (кафолатланган).

Банкларда аккредитивлар кузда тутилмаган холлар буйича алохида счетларда ва 22602-"Мижозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари" хисобварагида хисобга олинади. Хар бир махсулот етказиб берувчи учун унга хизмат курсатувчи банкда аккредитивлар буйича алохида депозит счетлари очилади.

Копланган ва копланмаган аккредитивлар чакириб олинадиган ёки чакириб олинмайдиган булиши мумкин. Ушбу белги мавжуд булмаган холатда аккредитив чакириб олинувчи хисобланади.

Чакириб олинувчи аккредитив банк-эмитент томонидан мол етказиб берувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан хам узгартирилиши ёки бекор килиниши мумкин. (Масалан, шартномада кузда тутилган шартларга риоя этилмаганда, банк-эмитент аккредитив буйича туловларни кафолатлащдан воз кечганда). Туловчи махсулот етказиб берувчига чакириб олинадиган аккредитивнинг шартларини узгартириш ёки бекор килиниши тугрисидаги барча фармойишларни факат банк-эмитент оркали бериши мумкин, ушбу банк махсулот етказиб берувчининг банки (бажарувчи банк)ни у эса махсулот етказиб берувчини хабардор килади. Бажарувчи банк айни пайтда, махсулот етказиб берувчи такдим этган ва махсулот етказиб берувчининг банки томонидан кабул килинган аккредитив шартларига тегишли булган хужжатлар буйича туловларни мазкур банк аккредитивини узгартириш ёки бекор килиш тугрисидаги хабарномани олгунга кадар тулаши шарт.

Махсулот етказиб берувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чакириб олинмайдиган аккредитив узгартирилиши ёки бекор килиниши мумкин эмас. Махсулот етказиб берувчи аккредитив шартларида кузда тутилган холларда аккредитивни муддатидан олдин ишлатищдан воз кечиши мумкин.

Махсулот етказиб берувчининг банкида аккредитив куйидаги холларда ёпилади: аккредитив муддати тугагандан кейин бажарувчи банк аккредитив ёпилганлиги тугрисида

---

[7] Ф.Т.Абдувахидов. ва бош “Тижорат банкларида Бухгалтерия ҳисоби”. Т – 2010 й.

банк- эмитентга хабар беради. Махсулот етказиб берувчининг муддатидан олдин аккредитивни ишлатищдан воз кечиш тугрисидаги аризасига кура агарда бу шартномада курсатилган булса. Банк-эмитентга бажарувчи банк томонидан билдиришнома юборилади. Ишлатилмаган сумма туловчининг банкига маблаглар кайси хисобварагдан депонент килинган булса уша счетка утказилади. Сотиб олувчининг аккредитивни тулик ёки кисман чакириб олиш тугрисидаги аризасига кура, агар бу аккредитив шартларида кузда тутилган булса, аккредитивлар 22602-"Мижозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари" хисобварагидаги мавжуд маблаглар доирасида банк-эмитентдан хабар етиб келган куни кисман ёки тулик копланади[8]. Аккредитивнинг ёпилиши тугрисида банк-эмитентга хабарнома юборилади. Аккредитивлар буйича депозит хисобвараглардан накд пул берилишига ва аккредитивларни бошка шахслар номига кайта расмийлаштиришга рухсат этилмайди.

Копланган (депонентланган) аккредитив- аккредитивлар очилганда банк-эмитент туловчининг шахсий маблагларидан ёки унга берилган кредит хисобидан мол етказиб берувчининг банки тасарруфига алохида "Аккредитивлар" баланс хисобварагига маблагларни банк-эмитентнинг мажбуриятларини бутун амал килиш давомида утказиб берса бундай аккредитивлар копланган (депонентланган) дейилади.

Аккредитивларни очиш тугрисидаги ариза банк-эмитентга 2 нусхада такдим этилади: биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси эса туловчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади, бир вактнинг узида аккредитив суммаси кузда тутилмаган холатлар хисобварагига кирим килинади.

Туланган аккредитив суммаси электрон тулов тизими оркали маблагларни олувчи банкка жунатилади ва махсулот етказиб берувчининг аккредитив хисобварагига туширилади. Ижрочи банк маблагни келиб тушганлиги турисида махсулот етказиб берувчига хабар беради.

Махсулот етказиб берувчининг банкида аккредитивларни очиш тугрисидаги электрон ариза 2 нусхада когозга чикарилади: биринчи нусха банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси "Тулов муддатини кутаётган хисоб-китоб хужжатлари" 1-картотекага жойлаштирилади.

Махсулот етказиб берувчининг талаб килиб олингунча депозит хисобварагига у томонидан унга хизмат курсатувчи банкка аккредитивнинг барча шартларини бажарилганлигини тасдикловчи хужжатларни такдим этгандагина маблаглар утказиб берилади. Аккредитив буйича туловларни тасдикловчи хужжатлар, аккредитив муддати утгунга кадар махсулот етказиб берувчи томонидан банкка такдим этилади.

Бажарувчи банк махсулот етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя килинганини хамда тасдикловчи хужжатларнинг тугри расмийлаштирилганлигини текшириб куриши шарт. Ушбу шартларнинг лоакал биттаси бузилганида хам аккредитивлар буйича туловлар бажарилмайди. Махсулот етказиб берувчи банкка тасдикловчи хужжатларни икки нусхада такдим этади.

Naqd pullik hisob-kitob operatsiyalari bankning kassa operatsiyalari bo‘lib, ularga kassa bo‘limi xodimlari tomonidan xizmat ko‘rsatiladi. Ular asosan, bank kassasiga mijozlardan, inkassatorlardan, bank xodimlari va jismoniy shaxslardan qabul qilingan hamda ularga ish haqi va unga tenglashtirilgan boshqa barcha to‘lovlarni hisob-kitob cheklari bo‘yicha naqd pul shaklida bankning operatsion kassasidan beriladi. Bu operatsiyalar Markaziy bank tomonidan ishlab chiqilgan me‘yoriy hujjatlar bilan tartibga solib turiladi[9].

---

[8] Уз.Р. АВ .13 июль 773-19сон “Уз.Р.Ттижорат банкларида бухгалтерия хисоби хисобвараклар режаси”

[9] Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома. ЎзР АВ 29.03.2005 йилда 1263-1-сон билан рўйхатга олинган; ЎзРМБ нақд чет эл валютасига оид операцияларни амалга

Kassa hujjatlari bank uchun, shuningdek, hisob-kitoblarda ishtirok etuvchi tomonlarga kerak bo'lgan nusxalar sonida texnik vositalardan foydalanilgan va tijorat bankining hisob-kitob cheklari esa qo'lda yozilgan holda to'ldiriladi. Kassa hujjatlarini bo'yash, chizish va tuzatishga yo'l qo'yilmaydi.

Banklarda har bir operatsiyalarni amalga oshirish bo'yicha hujjatlar aylanishining o'ziga xos xususiyatlari mavjud. Shu qatori, bankning kassa operatsiyalari bo'yicha hujjatlar aylanishiga katta ahamiyat berish zarur, chunki mijozlardan naqd pul qabul qilinayotganda yoki bank kassasidan ularga naqd pul berishda bankning operatsion kassasi markazida mijozlarning uzoq vaqt turib qolishlarining oldi olingan bo'lib, sifatli xizmat ko'rsatish imkoniyatini vujudga keltiradi. Shu sababdan, banklarda kirim kassa operatsiyalari bo'yicha hujjatlar aylanishi grafigini tuzishni talab etadi (____-chizmaga qarang).




3 -chizma. Kirim kassa operatsiyalari bo'yicha hujjatlar aylanishi tavsifi

Bu erda: 1- bank mijozi buxgalteriya nazoratchisiga naqd pul topshirish haqidagi e'lonnomani uzatishi; 2-buxgalteriya nazoratchisi mijozning naqd pul topshirish yuzasidan e'lonnomani ko'rib chiqib, uni kirim kassasi (simvol bo'yicha) jurnaliga qayd qilishi; 3-mijoz naqd pul mablag'larini bank kassiriga topshirishi; 4-kassir e'lonnoma asosida naqd pul mablag'larini sanab olib, mijozga bank kassasi pattasi (kvitantsiyasi)ni berishi; 5- nazoratchi va kassir tomonidan barcha hujjatlar hisoblash markaziga yuborilishi; 6-hisoblash markazi tomonidan yuborilgan naqd pul mablag'larini qabul qilish bo'yicha yozilgan hujjatlar asosida nazoratchi topshirilgan naqd pul mablag'larini mijozning shaxsiy hisobvarag'iga o'tkazilishi berilgan.

Махсулот етказиб берувчининг депозит хисобварагига маблагларни тушириб беришда бажарувчи банк турт нусхада мемориал ордер ёзади, тулов максади графасида тулов кайси шартнома асосида амалга оширилаётган булса, шу шартноманинг номери ва санасини курсатади: мемориал ордернинг биринчи нусхаси тасдикловчи хужжатнинг бир нусхаси билан бирга кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи ва учинчи нусхалари, уларга тасдикловчи хужжатлар илова килинган холда банк-эмитентга жунатилади, мемориал ордернинг туртинчи нусхаси эса махсулот етказиб берувчи

ошириш қоидалари. ЎзР АВ 15.04.2004 йилда 957-1-сон билан рўйхатга олинган; ЎзРМБ нақд чет эл валютасига оид операцияларни амалга ошириш қоидалари. ЎзР АВ 15.04.2004 йилда 957-1-сон билан рўйхатга олинган.

(маблагларни олувчи)га шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда берилади. Бир вактнинг узида аккредитив буйича туланган сумма 1-картотекадан хисобдан чикарилади.

Банк-эмитент аккредитивни ишлатилганлиги тугрисида ижрочи банкдан хужжатларни олгандан кейин мемориал ордерга асосан кузда тутилмаган холлар хисобварагидан аккредитив суммасини хисобдан чиказади ва тасдикловчи хужжатларни мемориал ордер нусхаси билан бирга туловчига беради.

Кузда тутилмаган холатлар хисобвараги аккредитив тулик ишлатилмаган ва у сотиб олувчи банкдаги туловчининг депозит хисобварагига кайтарилган холатда хам ёпилади.

Мол етказиб берувчининг банкида аккредитивлар буйича кисман туловлар амалга оширилганда туланган сумма банк - эмитентда кузда тутилмаган холлар хисобвараги хисобидан чикарилади.

Копланмаган (кафолатланган) аккредитив- копланмаган (кафолатланган) аккредитив банк-эмитент билан тугридан тугри вакиллик муносабатлари мавжуд булганда ижрочи банкка банк-эмитентнинг унда юритилаётган вакиллик хисобварагидан (мол етказиб берувчи томонидан аккредитивнинг барча шартлари бажарилган холда) аккредитивнинг бутун суммасини хисобдан чикариш хукукини бериш йули билан ижрочи банкда очилади.

Кафолатланган (копланмаган) аккредитивнинг барча шартлари махсулот етказиб берувчи ва туловчи уртасида, шунингдек банклар уртасида тузилган шартномада келишиб олинади.

Копланмаган (кафолатланган) аккредитивни куйиш тугрисидаги корхонанинг илтимосномаси банк-эмитент томонидан кузда тутилмаган холатлар хисобварагида алохида кирим килиб борилади.

Аккредитивдан тулик фойдаланилмаганда банк-эмитент кисман туланган суммаларни мижознинг хисобварагидан банкнинг вакиллик хисобварагига утказади ва бир вактнинг узида аккредитивнинг тулик суммасини кузда тутилмаган холлар хисобварагидан хисобдан чикаради.

Инкассо топширикномаси - мижознинг банкка туловчининг хисобварагидан сузсиз тартибда маблагларни хисобдан чикариш тугрисидаги талабини англатади. Инкассо топширикномалари куйидаги ундирувчилар томонидан банкка такдим килиниши мумкин: уз вактида туланмаган соликлар ва Давлат бюджетига утказиладиган соликдан ташкари туловлар (пеня, жарималар)ни ундириб олищда солик идоралари, бюджетдан ташкари фондлар-уз вактида туланмаган туловларни ундириб олищда, агарда бу конуний хужжатларда кузда тутилган булса, божхона органлари-уз вактида туланмаган божхона туловларини ундирищда, суд органлари уларга берилган ижро хужжатлари буйича, конуний хужжатларга асосан бошка органлар.

Узбекистон Республикасида ижро хужжатлари сифатида куйидагиларни мисол килиб келтиришимиз мумкин: хужалик судининг буйруклари, судлар томонидан берилган ижро вараклари, нотариуслар томонидан хисобга олинган ижро устхатлари.

Туловчиларнинг счетларидан маблагларни хисобдан чикариш банк булимлари томонидан хужжатларнинг нусхалари буйича эмас, балки факат асл нусхаси ёки уларнинг дубликати буйича бажарилади. Хужалик судининг карори буйича суммаларни ундириб олищда инкассо-топширикномаларида ушбу карорнинг санаси ва раками курсатилиб, бунда карз суммаси ва давлат божи харажатлари алохида ажратиб курсатилиши лозим.

Хужалик юритувчи субъектлар фойдасига маблагларни хисобдан чикариш буйича хужжатлар Конунда белгиланган муддатдан утказилиб такдим килинган булса, банк булимлари ушбу хужжатларни инкассо учун кабул килмайдилар. Конунчиликда ижро хужжатларини бажаришнинг куйидаги муддатлари белгиланган: судлар томонидан берилган ижро вараклари буйича - 3 йил, ижро устхатлари буйича - 3 йил, хужалик суди томонидан берилган ижро варакалари буйича- 6 ой, мехнат низолари буйича комиссия томонидан берилган гувохномалар буйича - 3 ой, хужалик судининг судяси томонидан берилган суд буйруги буйича ундирув буйрук берилгандан сунг ун кунлик муддат утгач амалга оширилади.

Банкка ёки суд ижрочисига бажариш учун ижро хужжатлари такдим килинганда, уларнинг такдим килиш муддатини утиши тухтатилади. Хужжат банк ёки суд ижрочиси томонидан ундирувчига кайтарилган холатда муддат кайтарилган кундан хисобланади.

Банклар факат белгиланган холлардагина ундириб олишни вактинча ёки тулик тухтатиш хукукига эга. Улар куйидагилардан иборат: ундириб олувчиларнинг аризаларига кура, хужалик судининг тегишли карори такдим этилганда, тергов органларининг кидирув ва жиноий иш кузгатиш тугрисидаги карорларига кура.

Юкоридаги хужжатларда ундириб олиш тухтатиб куйилган ёки тухтатилиши лозим булган хужжатнинг санаси ва раками курсатилган булиши шарт. Ундириб олувчи, шунингдек, банк булимига ундириб олишни бошка йул билан бажариш учун ижро хужжатини суд ижрочисига топшириш тугрисида фармойиш бериш мумкин. Ундириб олиш тухтатилган хужжат, ундириб олувчига кайтарилиши шарт.

Банк хужжатни топшириш ёки жунатишда банкнинг бухгалтери ва бош бухгалтери томонидан имзоланади, банк мухри билан мустахкамланиб хужжатни лозим жойида куйидагиларни курсатиб устхат ёзади: бунда, хужжатнинг банкка келиб тушган санасини, агарда банк булими томонидан хужжат кисман туланган булса ундириб олинган сумманинг микдорини (ёзма равишда), банк булими томонидан хужжатни ундириб олувчи ёки суд бажарувчисига топшириш ёки жунатиш санасини.

Туловчининг хисобварагида маблаг булмаганда инкассо топширикномаси 2-картотекада туловини кутаётган хужжатлар каторига жойлаштирилади ва конунчиликда урнатилган тартибда туланади. Инкассо топширикномалари туловчиларнинг счетларидан маблагларни хисобдан чикариш учун бир шахар ичида хисоб-китобларда хизмат курсатувчи банкка ёки бевосита туловчининг хисобвараги юритилаётган банк булимига, шахарлараро (худудлараро) хисоб-китобларда эса факат ундириб олувчига хизмат курсатувчи банк булимига такдим этилади.

Инкассо топширикномаси банк булимига уч нусхада иловалар билан бирга такдим этилади: агар маблаг олувчи ва туловчига битта банкда хизмат курсатилганда: инкассо топширикномасининг биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси туловчига ижро хужжатлари иловаси ва шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда берилади, учинчи нусхаси туловни олувчига шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда кайтарилади. Бир шахар ичида хисоб-китоблар килишда инкассо топширикномалари бевосита туловчининг банкига такдим килиниши мумкин: бунда, биринчи нусха туловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси туловчига ижро хужжатлари иловаси ва шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда берилади, учинчи нусхаси туловни олувчига шахсий хисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда кайтарилади.

Банклараро ва шахарлараро (худудлараро) хисоб-китоблар килишда инкассо топширикномалари ундирувчиларга хизмат курсатувчи банк булимига такдим килинганда: биринчи ва иккинчи нусхалари ижро хужжатлари билан бирга почта оркали туловчининг банкига бухгалтер томонидан имзо куйилиб ва банкнинг унга бириктирилган банк штампи билан тасдикланиб хужжатларни кабул килиш санаси курсатилган холда жунатилади, учинчи нусхаси хужжатларни кабул килиш санасини курсатган холда бухгалтер томонидан имзоланиб ва банкнинг унга бириктирилган штампи билан тасдикланиб мижозга кайтарилади.

Алохида фукароларнинг фойдасига ундириб олишда туловчининг хисобвараги жойлашган банк булими ижро хужжатларини факат банк жойлашган туман суд идорасининг суд ижрочиси оркали кабул килади.

Суд ижрочилари инкассо топширикномасини ижро хужжатларини илова килган холда банк булимига уч нусхада такдим этадилар, туловлар амалга оширилгандан , биринчи нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси ижро хужжатлари билан бирга туловчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади, учинчи нусхаси маълумот сифатида суд ижрочисига кайтарилади.

Ундирувчининг банкида электрон тулов тизимидан кабул килинган электрон инкассо топширикномаси икки нусхада когозга чикарилади: биринчи нусха банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади, иккинчи нусхаси ундирувчининг шахсий хисобварагидан олинган кучирмага илова килинади.

Банк айби билан мижозларнинг инкассо топширикномалари ижро килинмаган ёки нотугри ижро килинган холларда амалдаги конунчилик асосида ва хажмида банк жавоб беради.

## 2.2. ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида бошқа хисоб-китоблар хисоби

Хисоб-китоб чеки (кейинги холларда чеклар деб номланувчи) бу мижознинг хизмат курсатувчи банкка чек берувчининг хисобварагидан чек кабул килувчининг хисобварагига маълум микдордаги маблагларни утказиб бериш учун банкнинг махсус бланкасида банкка берган топширигидир[10].

Чек бланкалари тижорат банклари буюртмасига кура, уларнинг фаолияти учун етарли булган микдорда Марказий банк кошидаги "Давлат белгиси" (Госзнак) ишлаб чикариш корхонасида тайёрланади. Бунда чек раками ва серияси, банк-эмитентнинг номи ва фирма белгиси типография усулида ёзилади. Хисоб-китоб чеклари факат товар ва хизматлар учун хужалик субъектлари ва жисмоний шахслар орасидаги накд пулсиз хисоб-китоблар килищда кулланилади. Хисоб-китоб чекининг максимал суммасини Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан урнатилади, минимал суммаси эса тижорат банклари томонидан мустакил равищда белгиланади.

Банк чек берганда жисмоний шахснинг аризасига асосан чекнинг суммасига 20206-"Жисмоний шахсларнинг талаб килингунга кадар депозитлари" баланс хисобракамида алохида иккиламчи хисобвараги очади ва туловларни факат шу хисобваргадан амалга оширади[11].

Чеклар омонат куйювчи жисмоний шахсларнинг депозит хисобваракларида сакланаётган маблаглар хисобига ёки топширилган накд пул суммасига берилади. Чек икки кисмдан: хисоб-китоб чеки ва милк (корешок) дан иборат. Ушбу милк хисоб-китоб чекида курсатилган суммаларни тасдиклаш учун белгиланган назорат ракамларини уз ичига олади. Чекнинг амал килиш муддати тижорат банклари томонидан мустакил равищда белгиланади. Агар чек амал килиш муддатида банкка такдим килинмаган булса, чек суммаси 29842-"Харакатсиз депозитлар" баланс хисобварагида хисобга олинади. Чек эгаси амал килиш муддати тугаган чек билан банкка мурожаат килган такдирда, банк каршиликсиз чек эгасининг паспорти асосида чекни кабул килиши ва тулаб бериши лозим.

Чекларни бериш ва тулаш тартиби. Банк ходими хисоб-китоб чекини берищда куйидаги реквизитларни тулдириши шарт: чек берилган санани, чек буйича бериладиган суммани ракамлар ва суз билан, хисоб-китоб чекига номи ёзиб берилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспортининг серияси ва раками, чек берувчининг депозит хисобвараги, чек берган банк булимининг номи ва коди, чек хакикий "КК.ОО.ЙЙЙЙ" гача.

Курсатилган реквизитлар тулдирилгандан кейин банкнинг маъсул ходими хисоб-китоб чекига имзо куяди ва хисоб-китоб чекининг милки(корошок)ни назорат ракамлари жойлашган полоса буйича чекдан шундай киркиб ажратадики, бунда кесиш чизигида колган сонлар чек суммасига мос келиши лозим ва бу мухр билан тасдикланади. Хисоб-китоб чекини олувчи томонидан чекни олганлиги хакида милк (корешок) га имзо куйилади. Алохида дафтарга хисоб-китоб чекининг серияси ва ракамини, чек номига ёзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва чек суммасини (омонат буйича

[10] Ф.Т.Абдувахидов.”Тижорат банкларида Бухгалтерия ҳисоби” Т – 2010 й

[11] АВ 1998 йил 16 ноябрь 533-сон билан ргйхатга олинган “Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида”

счетда сакланаётган маблаглар ёки депозит хисобварагидан кучирилган хамда накд пулларда куйилган маблаглар хисобига берилганлиги алохида курсатилиб) ёзиб куйилади.

Кассир банкнинг маъсул бажарувчисидан барча зарурий хужжатларни олгач куйидаги; хужжатларнинг тугри расмийлаштирилганлигини текширади ва уларни имзолайди, хисоб-китоб чекини олувчидан чек бериладиган суммада накд пулларни ва чек учун туловни кабул килади, хисоб-китоб чекини олувчига чек ва омонат дафтарчасини топширади, чек милки(корешок)ни амалиёт кун охиригача узида колдиради.

Амалиёт кун охирида банк кассири бандеролларда хисоб-китоб чекларининг милк(корешок)ларида белгиланган реквизитлар билан бирга, накд пулларда кабул килинган суммани ва жисмоний шахсларнинг талаб килиб олунгунга кадар депозит счетларидан хисобдан чиказилган суммани курсатади, бундан кейин чек милки (корешок)ни маъсул бажарувчига топширади.

Хисоб-китоб чекининг милки ракамлари ва саналари буйича туланган ёки копланган чек таккослаш ёки чек суммаси брон килинган 20206-"Жисмоний шахсларнинг талаб килиб олунгунга кадар депозитлари" хисобварагидан хисобдан чикариш учун банкка келгунга кадар сакланади. Шундан сунг хисоб-китоб чеки милк(корешок)лари электрон хисоб-китоб чеклари билан бирга кунлик хужжатлар йигма жилдига тикиб куйилади[12].

Агарда хисоб-китоб чеки варагини тулдиришда хатога йул куйилса, унда ушбу варак бузилган деб хисобланади ва унинг урнига хисоб-китоб чекининг янги вараги тулдирилади. Бундай холларда хисоб-китоб чеки куйидаги тартибда хисобдан чикарилади: харфлар билан ёзилган "Хисоб-китоб" сузидан бир кисми киркиб олинади, чек варакасининг уртасига "бузилган" деган устхат ёзилади ва сана курсатилади, бош бухгалтер ва кассир томонидан имзоланади.

Кабул килинган, ишлатилган ва кайтарилган чек бланкаларининг хисоби катъий назоратдаги бланкаларнинг харакатини хисобга олиб борадиган дафтарда кузда тутилмаган холатлар хисобварагида юритилади. Кун давомида ишлатилган хисоб-китоб чек бланкалари чиким ордери билан кузда тутилмаган холатлар хисобварагидан чикарилади.

Хисоб-китоб чекини кабул килиш ваколатига эга булган савдо ташкилоти ходими махсулот тулови учун хисоб-китоб чекини кабул килаётганда хисоб-китоб чеки белгиланган намунадаги бланкада тулдирилганлигини, учириб тузатишларни йуклигини, назорат ракамлари чекда ёзилган суммага мувофиклигини, чек муддати утказиб юборилмаганлигини, унда банк булими мухрининг аник изи ва имзолар мавжудлигини текшириб куради. Шундан кейин шахсиятини тасдикловчи паспортини куради.

Текширув бажарилган ва махсулот учун чек туловга кабул килингандан сунг, савдо идораси ходими хисоб-китоб чекининг тескари томонига, савдо ташкилотининг штампини ва мансабдор шахснинг имзосини куяди. Агар сотилаётган махсулотнинг киймати хисоб-китоб чеки суммасидан паст булса, у холда савдо ташкилоти ушбу чек суммасининг 25 фоизидан ошмаган микдордаги кийматини накд пулда беради.

Махсулот тулови учун кабул килинган хисоб-китоб чеклари савдо ташкилотлари томонидан уларга хизмат курсатувчи банк булимларига пул тушуми билан бирга инкассатор оркали белгиланган тартибда топширилади.

Банкка кабул килинган чеклар буйича туловлар куйидаги тартибда амалга оширилади: чек берувчи ва чек кабул килувчига битта банкда хизмат курсатилганда: чек суммаси савдо ташкилотининг хисобвараги кредити ва "Инкасса килинган пул тушумлари ва чеклар" хисобвараги оркали чек берувчининг хисобвараги дебити буйича утказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади;

Чек берувчи ва чек кабул килувчига бошка-бошка банкларда хизмат курсатилганда:

чек кабул килувчининг банки чекда курсатилган суммани кабул килинган чекка

[12] Ўз.Р.МБ 1998 йил 21 декбрдаги 576-сонли "Ўзбекистон Республикаси банклари муассасаларида эмиссия-касса ишлари, пул тушумини инкассация іилиш ва бойликларни ташиш бўйича йўриқномаси"

асосан чек кабул килувчининг хисобварагига ёзиб беради. Тижорат банкларининг электрон хисоб - китоб чеклари электрон тулов тизими оркали чек берувчининг банкига жунатилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади. Чек берувчининг банкида чек суммаси электрон хисоб - китоб чеки асосида дастурий йул билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг иккиламчи хисобварагидан хисобдан чикарилади. Электрон чек банкнинг кунлик хужжатлар йигмасига тикилади. Хисоб-китоб чеклари меросхур ва бошка шахслардан нотариал идора тасдиклаган хужжат мавжуд булган холдагина кабул килинади, канча муддат утганлигидан катъий назар. Банк бошкарувчиси ва бош бухгалтери хужжатларни текшириб кургандан кейин чек суммасини тулаб берилишига рухсат беради.

Чек йукотилган такдирда, банк йукотилган чек буйича хисобвараглардан маблаглар хисобдан чикарилганда жавоб бермайди.

Пластик карточка - бу банк томонидан чикарилган карточка эгасининг ушбу банкда хисоб вараги мавжудлигини тасдикловчи ва чакана савдо тармокларида товарлар ёки иш-хизматларни накд пул туламасдан сотиб олиш хукукини берувчи персоналлаштирилган тулов воситасидир.

Пластик карточкалар жисмоний (юридик) шахслар ва савдо корхоналари уртасидаги узаро накдсиз хисоб-китобларда, хамда накд пул бериш пунктлари (НБП) ва банкоматлардан накд пул манбаларини олиш учун кулланилади.

Ваколатли банклар халкаро пластик карточкаларни чикаришлари ва улар буйича хизмат курсатишлари мумкин, бунда улар халкаро тулов тизимлари билан тузилган шартномаларга асосан операцияларни амалга ошириш коидаларига амал килишлари лозим.

Банк мижозга карточкани берганда унинг аризаси ва шартномага асосан 22618 "Мижозларнинг пластик карточкалари" баланс счёти очади. Пластик карточкаларнинг турлари буйича хам алохида шахсий хисоб вараклари очиши мумкин.

Пластик карточкаларга хизмат курсатиш буйича шартнома куйидаги маълумотларни уз ичига олади:

1. Томонларнинг номи;
2. Шартнома предмети;
3. Томонларнинг хукуклари ва мажбуриятлари;
4. Томонларнинг жавобгарлиги;
5. Хисоб-китобларни амалга ошириш шартлари;
6. Шартноманинг амал килиш муддати ва уни бекор килиш шартлари;
7. Муаммоларни ечиш тартиби;
8. Томонларнинг хукукий манзиллари ва бошкалар.

Кимга тегишлилигига караб пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив карточкаларга булинади.

Шахсий карточка - бу жисмоний шахсларга берилган карточкадир.

Оилавий карточка - бу шахсий карточка эгасининг ишончномасига асосан фойдаланувчига берилган карточкадир.

Корпоратив карточка - бу хукукий шахсларга хизмат курсатиш учун мулжалланган карточкадир. Корпоратив карточкаларнинг мехнат хаки ва бошка ижтимоий характердаги туловларни тулаш, хамда накд пул маблагларини тулаш учун ишлатиш такикланади.

Ишлатилиш тартибига кура карточкалр куйидаги турларга булинади:

1. Дебет-карточка - бу карточкаларнинг ишлатилиши унинг эгасига банкдаги карточка хисоб варагида жойлашган пул маблагларидан махсулот ва хизматлар тулови учун фойдаланиш, хамда накд пул маблагларини олиш имконини беради (корпоратив карточкалардан ташкари).

2. Кредит-карточка - бу карточкаларнинг ишлатилиши унинг эгасига банк-эмитент томонидан очилган кредит линияси микдорида махсулот ва хизматлар тулови буйича операцияларни амалга ошириш, хамда накд пул маблагларини олиш имконини беради (коператив карточкалардан ташкари).

3. Электрон-капчик - бу жисмоний шахснинг карточкаси булиб, у эгасига пластик карточкадаги маблаглар колдиги чегарасида махсулот ва хизматлар учун туловни амалга ошириш, хамда накд пул маблагини олиш учун хизмат килади.

Битта карточкада бир нечта электрон-капчик булиши мумкин.

Карточкага персоналлаштирилганда куйидаги мажбурий реквизитлар ёзилиши керак:

1. идентификацион маълумотлар (картанинг номери ва серияси);
2. банк-эмитентнинг коди;
3. карточка эгасининг Ф.И.Ш. ва хисобварак номери;
4. карточканинг амал килиш муддати.

Карточкаларда бир нечта электрон-капчиклар мавжуд булган холларда идентификацион маълумотлар хар бир капчикни идентификациялаши лозим. Юкорида курсатилган реквизитлардан ташкари карточкаларга операцияларни амалга ошириш ва хисобга олиш учун керакли булган кушимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Пластик карточкалар билан амалга оширилган хисоб-китоб операциялари когозларда (слип, электрон терминал квитанциялари) ва электрон шаклда (банкомат ёки терминалнинг электрон журналидан хужжатлар), хамда шартномада курсатилган бошка хужжатларни (банкомат квитанциялари ва бошкалар) тузиш оркали расмийлаштирилиши шарт. Хужжатлар нусхалари сони барча хисоб-китоблар катнашчилари учун керакли булган хажмда тузилади.

Битта банк булимлари уртасидаги карточкалар буйича хисоб-китоб технологияси бош банк томонидан уз имкониятлари ва карта турларига караб мустакил белгиланади.

Пластик карточкалар буйича банклараро хисоб-китоб куйидаги вариантларда амалга оширилиши мумкин:

1) Амалдаги электрон туловлар тизими оркали ялпи асосда хисоб-китобларни амалга ошириш;

2) Хисоб-китоб катнашчилари томонидан ташкил килинган процессинг (жараёнлаштириш) марказлари оркали кун давомида узаро мажбурият натижаларини хисоблаш ва якуний хисоб-китоб суммаларини тижорат банклари вакиллик хисобваракалари оркали утказиб бериш билан.

ЭТТ оркали карточкалар билан операциялар буйича ялпи хисоб-китоблар куйидаги тартибда амалга оширилади:

1) Банк-эмитенг томонидан авторлаштирилмаган хисоб-китобларда

- банк-эквайер хизмат курсатиладиган савдо корхонасидан олган карточкаларни ишлатилиши оркали тузилган электрон хужжатлар асосида унинг хисоб варагига маблагларни кирим килади. Бир вактнинг узида автомат равищда электрон мемориал ордер шаклланади ва у ЭТТ буйича банк-эмитентга жунатилади:

ДТ 10301

КТ 20200 савдо тармогининг х/в.

- Банк-эмитентда олинган электрон дебетли мемориал ордер асосида программа оркали маблаглар мижознинг хисобварагидан учирилади:

ДТ 22618

КТ 10301

Электрон дебетли мемориал ордер печатдан чикарилади ва кунлик хужжатларга тикилади.

2) Банк-эмитент томонидан олдиндан мажбурий авторлаш билан хисоб-китобларда:

- банк-эквайерда хизмат курсатиладиган савдо муассасасидан олинган электрон хужжатлар асосида фойдаланилаётган технология коидаларига мувофик автомат равищда электрон хабарнома шаклланади ва ЭТТ оркали банк-эмитентга авторлаштириш ва бухгалтерия утказмаларини амалга ошириш учун жунатилади;

- банк-эмитент олинган электрон хабарнома оркали трансакцияларни авторлаштиришни амалга оширади, автомат равищда мижознинг карточка хисобварагида маблагларни чикаришга электрон мемориал ордер шаклланади ва ЭТТ оркали савдо

муассасасининг хисобварагига маблагларни ёзиш учун банк-эквайерга жунатилади:

ДТ 22618

КТ 10301

- банк-эквайерда банк эмитентдан олинган электрон мемориал ордер асосида маблаглар савдо муассасасининг талаб килунгунча сакланадиган депозитлар хисобварагига кирим килинади. Мемориал ордер печатланади ва банкнинг кунлик хужжатларига тикилади:

ДТ 22618

КТ 10301 Савдо корхонасининг счёти.

Жараёнлаштириш маркази оркали хисоб-китоблар куйидаги тартибда амалга оширилади:

- кун давомида карточкалар буйича барча трансакциялар процессинг (жараёнлаштириш) марказ оркали хисоб-китоб катнашчилари тасдиклаган тартибда амалга оширилади ва хар бир банк катнашчи учун очилган алохида шахсий хисобваракаларда акс эттирилади;

- хисоб-китобларнинг якуний суммалари шартномада белгиланган муддатларда банкларнинг МБ даги вакиллик хисобваракалари оркали утказилади;

- марказдан олинган маълумотларга асосан банклар мижозларнинг хисобваракаларига маблагларни кирим килади ёки учиради.

Кайтадан персоналлаштиришга мухтож кайтарилган карточкалар хисоби 93609- "Сакланаётган кимматбахо буюмлар" балансдан ташкари хисобваракда алохида шахсий хисобваракда юритилади.

ДТ 93609

КТ 96379

Банк кассасига накд пулларнинг кабул килиниши буйича операциялар эълонлар ва касса кирим ордерлари билан расмийлаштирилади. Банк мижозлари банкка накд пулларни топширилишини расмийлаштириш учун эълонни тулдиришади. Эълон уч кисмдан иборат: накд куйилмага эълон, ордер ва квитанция. Эълоннинг тулдирилган бланкаси мижоз томонидан хисоб-амалиёт булими иктисодчига берилади[13].

Иктисодчи эълиннинг хар учала кисмининг тугри тулдирилганлигини текшириб, унга имзо куяди ва унинг суммасини кирим касса журналида кайд этади.

Иктисодчи томонидан имзоланган эълон буйича кассир мижоздан накд пулларни кабул килади, санаб булгандан сунг квитансияга уз имзосини ва касса мухрини куяди[14]. Квитанция ордер ва эълондан йиртиб олиниб, мижозга берилади.

Кабул килинган накд пулларни мижознинг хисоб варагига кирим килиниши кирим касса журналига асосан куйидаги бухгалтерия утказмаси билан расмийлаштирилади:

ДТ 10101 Айланма кассадаги накд пуллар

КТ 20200 Мижознинг талаб килиб олингунча депозитлари хисобвараги ёки мижознинг бошка тегишли депозит хисобваραклари.

Аналитик ва синтетик хисоб маълумотлари олиниб, улар таккослангандан кейин мижознинг хисобварагидан кучирма билан бирга ордер мижозга берилади, яъни банкка куйилган накд пуллар буйича мижоз иккита хужжат олади - квитанция ва ордер. Ордер мижозлар томонидан банкка пулларнинг тушиши ва уларнинг хисобвараклари буйича амалга оширилган ёзувларнинг тугрилигини текширишни таъминлайди.

Накд куйилмаларга эълон кассирда колади ва амалиёт куни охирида бошка хужжатлар ва кимматликлар билан бирга касса мудирига берилади.

Накд пулларни банк кассасига куйиш буйича баъзи бир операциялар кирим касса ордерлари билан расмийлаштирилади[15].

---

[13] Ф.Т.Абдувахидов.”Тижорат банкларида Бухгалтерия ҳисоби” Т-2010 й.

[14] ЎзР. МБ.1998 йил 3 августдаги 468-сонли “Ўзбекистон Республикаси банклари муассасаларида валюта бойликлари билан касса ишларини бажариш тўғрисидаги Низом”

[15] Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Коидалари УзР АВ 05.03.2004 й. 565-5-сон билан руйхатга олинган УзР МББ Қарори №376.(№1/16-баённома) 24.01.1998 й.

Жисмоний шахсларнинг омонатларини кирим килищ, банк ходимлари томонидан сафар харажатлари учун олинган бунак (аванс)нинг ишлатилмаган кисмини кирим килиш ва бошкалар.

Тижорат банкларининг чиким касса операциялари деб банк кассаларидан накд пулнинг берилиши билан боглик операциялар тушунилади. Корхона ва ташкилотларнинг уз ишчи  ходимлари учун иш хаки, пенсия, стипендия, бошка нафакалар, мукофотла, хизмат сафари учун накд пул олиши мумкин.

Йилнинг хар чораги учун корхона ва ташкилотлар касса режасини тузиб, банкка топширадилар. Касса режасида накд пулнинг тушуми буйича алохида моддалар, накд пулнинг харажати буйича алохида моддалар курсатилган. Шу билан бирга иш хаки олиш буйича иш хаки олиш кунлари белгиланади. Корхона ва ташкилотлар бир ойда бир ёки икки марта иш хаки оладилар. Корхона ва ташкилотлардан олинган касса режалари асосида хар бир банк касса прогнози тузади. Хар кунги касса операцияларини олиб бориш учун канча накд пул зарурлиги, канча накд пул банк тушумлари хисобидан амалга оширилиши касса прогнозлари асосида хисоблаб борилади.

Корхона ва ташкилотлар банкдан юкорида санаб утилган максадларга накд пул олиш учун пул чеки расмийлаштиришлари лозим, лекин бундан аввал корхонага янги хисоб варак очилаётган вактда банкка пул-чек дафтарчаси олиш учун ариза топширишлари лозим. Аризада банк номи ва коди, корхона номи, унинг талаб килиб оладиган депозит буйича хисобварак номери, чек дафтарчасининг номи, сони, ариза расмийлаштирилган сана курсатилади. Аризага корхона рахбари ва бухгалтернинг имзоси хамда мухр куйилади. Банк корхонанинг аризасига асосан пул-чек дафтарчаси ёзиб, хар бир варакда банк номи, унинг коди, корхона номи, унинг банкдаги хисобварак номерини курсатади ва мижозга беради. Чек давтарчасининг чеклари банкдан накд пул олиш учун асос булади. Иш хаки олищдан бир кун аввал чек расмийлаштирилиб, мижоз томонидан паспорти билан биргаликда уларга хизмат курсатувчи масъул ижрочига берилади. Масъул ижрочи энг аввал шу ташкилотнинг хисобракамида етарли пул микдорини борлигини текшириб, шундан сунггина чекнинг тулик ва тугри тулдирилганлигини иккита имзо ва мухрнинг имзолари хамда мухр намунаси туширилган карточкалар билан солиштириб куради. Хаммаси тугри булса чекнинг бурчагидаги назорат маркасини киркиб олиб, паспорт билан бирга мижозга кайтариб беради. Назоратчи яна бир бор текширув утказиб сунг реквизитларни касса чиким журналига кайд килади. Чиким журналида сана, хисобварак номери, чек суммаси, хисобот символи, корреспонденция хисобвараги номери курсатилади. Назоратчи чиким журнали билан биргаликда чекларни ички тартибда кассага топширади. Кассир мижозни чакириб, унинг паспорти ва назорат маркасини олади. Назорат маркаси номери чек номери билан тугри келса, чекдаги паспорт курсатгичлари паспорт билан тугри келса кассир чекда курсатилган суммани мижозга санаб беради.

1. Мижоз пул чекини расмийлаштириб масъул ижрочига паспорт билан топширади.

2-3. Масъул ижрочи чекни назоратдан утказгандан сунг назорат маркасини мижозга, чекни эса назоратчига беради.

4. Назоратчи чекни яна бир бор текшириб, уни чиким касса журналида кайд этади ва кассирга узатади.

5. Мижоз кассирга паспорт ва назорат маркасини топширади.

6. Кассир мижозга чекда курсатилган микдорда пул санаб беради.

Кун охирида назоратчи ва кассир бажарган операциялари буйича хужжатларни узаро солиштириб бошкариш хисоб марказига топширадилар. Хисоб марказидан хужжатлар асосида мижознинг шахсий хисобвараклари чакириб берилади. Бу операциялар буйича куйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади:

ДТ 20200 корхоналарнинг талаб килиб олинадиган депозит буйича хисоб вараги

КТ 10101 банк кассаси

Шахсий хисобваракдан кучирма мижозга топширилади, шахсий хисоб варак банкда алохида папкаларда тикилади.

22 Агарда хисоб-китоб чеки варагини тулдирищда хатога йул куйилса, унда ушбу варак бузилган деб хисобланади ва унинг урнига хисоб-китоб чекининг янги вараги тулдирилади.

## *2.3. ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида чет эл валютаси бўйича ҳисоб китоблар ҳисоби.*

ОАТБ “Микрокедитбанк” Хива филиалида ҳам хорижий валютадаги ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Банк мижозларидан келиб тушадиган чет эл валюталари Республикамизда амал килаётган конуний ва меъёрий хужжатларда белгилаб куйилганидек асосан куйидаги икки манбадан келиб тушади[16]:

Товарлар накд чет эл валютасида сотиш билан шугулланувчи, иш бажарувчи ва хизмат курсатувчи мижозлардан;

Сафар харажатлари ва бошка максадлар учун берилган чет эл валюталарини кайтадан банкдаги депозит счётида топширганда.

Чет эл валютасидаги касса кирим операцияларининг бухгалтерия хисоби счётларида акс эттиришни схемада куйидагича акс эттириш мумкин. Чет эл валютасини ваколатли банк бўлинмалари жисмоний шахслар - резидентлар ва норезидентлардан айирбошлаш шохобчалари орқали "Айирбошлаш шохобчаси тўғрисида Низом"га мувофиқ харид қиладилар[17].

Банк бўлинмалари иш куни бошланишига қадар айирбошлаш шохобчалари кассирларини бир кун давомида ишлаш учун етарли бўлган миқдордаги қатъий ҳисобдаги бланклар, сўмдаги ва чет эл валютасидаги бўнак билан таъминлайди.

Бўнак бериш, накд чет эл валютасини ва тўлов ҳужжатларини харид қилиш пайтида қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади (чет эл валютаси намунаси сифатида АҚШ доллари ишлатилади)[18]:

